

Дунёда кимдир очликдан, кимдир эса семизликдан азият чекмоқда



17:40 / 17.10.2018 1972

Дунёда 150 миллиондан ортиқ бола озиқ-овқат етишмовчилигидан азият чекмоқда, шунингдек семираётган кишиларнинг сони ҳам ортиб бормоқда. БМТнинг Жаҳон озиқ-овқат дастурининг Туркия филиали алоқа бўлими директори Мартин Пеннер бу ҳақда маълум қилди.

Пеннернинг айтишича, бутун дунёда оч одамларнинг сони ортиб бормоқда. БМТ маълумотларига кўра, ўтган йил сентябр ойида бутун дунёда шундай одамларнинг сони 821 миллион кишини ташкил қилган. Бошқача айтганда, ҳозир дунёдаги ҳар тўққиз кишидан бири очликдан қийналмоқда.

TRT хабарига кўра, Пеннер охириги уч йил давомида очликдан қийналаётган одамларнинг сони тобора ўсиб бораётганини ва ўн йил аввалги даражага етганини таъкидлаган.

Пеннернинг айтишича, бугунги кунда Осиёда 515 миллион, Африкада 672 миллион, Лотин Америкаси ва Кариб денгизида 150,8 миллион киши очликдан азият чекмоқда.

Шу билан бирга, дунё бўйлаб семиришдан 672 миллион киши ёки катталар орасидаги ҳар саккиз кишининг бири қийналмоқда.

